

Qishloq hayoti

2009 йил

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 3 NOYABR, SESHANBA, 128 (7589) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqqan bo'lgan Bahosi kelishilgan narxda.



Фалла сифатини оширишда селекция йўли билан янги навлар яратиш баробарида агротехникага тўла риоя этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса мутахассислар, фермер хўжаликлари зиммасига катта масъулият юклайди. Негаки, галланинг сифат кўрсаткичлари қанча юқори бўлса, ун ҳам шунча кўпроқ чиқади.



Агротуризм табиат қўйнида бўлгани учун инсон соғлиғига фойдали. Уни нафақат хорижий сайёҳлар учун, балки шаҳарларда яшовчилар учун ташкил этиш ҳам қизиқарлидир. Қишлоқда туғилиб ўсиб, шаҳарда яшаётган инсон бир зум бўлса ҳам болалигини эслайди. Шу жиҳатдан агротуризмни ривожлантириш анча қизиқаш уйғотади.



"Чимён" дам олиш ва даволаниш масканида юрак-қон томир системаси, ҳаракат ва таянч аъзолари, асаб, тери, аёллар жинсий аъзолари, ошқозон-ичак ва урологик ҳамда бошқа ўнлаб касалликларни даволаш учун қўлай шарт-шароитлар мавжуд. Даволаш асосини сероводородли минерал сувлар билан ванналар қабул қилиш ташкил этади.

ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ САМАРАСИ

Мамлакатимиз пахтакорлари 3 миллион 400 тоннадан зиёд юксак "оқ олтин" хирмони бунёд этдилар


Алқимизда шундай ибора бор: жўжани кузда санайдилар. Айни шу ибора кўп ҳолларда деҳқончиликка хос. Йил йилга ўхшамайди. Табиатнинг ўзига хос инжиқликлари бор. Бир йил серёғин келса, бир йил қурғоқчил, яна бир йил эса касаллик ва зараркунандлар "ўчоғи" очилиб кетади. Фақат тажрибали, омилкор ва меҳнатдан қочмайдиган деҳқонгина ҳосилни "ўхшатади".



Пахтакорларимиз учун амалдаги йил ноқулай келди. Ёгингарчиликлар, кутилмаган дўл, сел, жала оқибатлари чигитни қайта - қайта экишга олиб келди. Паст ҳарорат ғўза ривожини сусайтирди. Зараркунанд ва касалликлар авж олиши эса яна бир ташвиш тугдирди. Аммо пахтакорларимиз барча синовларни тинимсиз меҳнат, изланиш, тажрибаю омилкорлик билан енгиб ўтдилар. "Жўжани санаш" вақтини эса улкан хирмон билан кутиб олдилар. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилининг пахта ҳосили баракали бўлди.

Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида амалга оширилётган ислохотлар самараси бу. Истикболли фермерлик ҳаракати-га яратиб берилган шароит, имконияту имтиёзлар натижаси. Ерга эғалик ҳиссининг юзага келиши, манфаатдорликнинг ортиши боис

соҳада туб ўзгаришлар ясалди. Биргина мисол, ер майдонларининг оптималлаштирилиши, рағбатлантирилиши кучайтирилгани, ҳар бир ҳудуднинг иқлим ва тупроқ шароитига мос серхосил, тез-парқунан ва касалликлар авж олиши эса яна бир ташвиш тугдирди. Аммо пахтакорларимиз барча синовларни тинимсиз меҳнат, изланиш, тажрибаю омилкорлик билан енгиб ўтдилар. "Жўжани санаш" вақтини эса улкан хирмон билан кутиб олдилар. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилининг пахта ҳосили баракали бўлди.



Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу йил пахтачиликда қўлга киритган натижа ва марраларимиз ўзининг юксак кўрсаткичлари, биринчи навбатда, ҳосилдорлик даражаси, тола сифатининг ўтган йилларга қараганда юқорилиги билан эътиборни тортади.

Шу сабабли бугунги кунда ўзбек пахтаси халқаро миқёсда тобора харидориги бўлиб, республикамиз жаҳон пахта бозорининг марказларидан бирига айланиб бормоқда. Бунинг тасдиғини беш йилдан буён Тошкент шаҳрида ўтказилаётган, қўлаб нуфузли хорижий савдо компаниялари қатнашиб келаётган халқаро пахта ярмаркасида катта ҳажмдаги шартномалар имзоланиб, бу соҳадаги ҳамкорлик алоқалари янада кучайиб бораётганида кўриш мумкин.

(Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларга йўллаган табриғидан)

Навбахор туманидаги "Муслим Мадаминов", Қамаш туманидаги "Ашур бобо", Поп туманидаги "Эрназар", Кува туманидаги "Олтин диёр", Кумкўрган туманидаги "Гулистон" каби фермер хўжаликларида ҳосилдорлик 45-50 центнерга өтганлиги ҳам фикримизнинг исботидир.

Пахтакорларимиз жорий йилги табиат қўйинчиликларини енгиб ўтишда эътибор қаратган жараёнга алоҳида тўхталиш жоиз. Ғўза парваришида энг муҳим палла — "Август" — пахта ҳосилига ҳосил қўшадиган ой, деб эълон қилинди. Кучайтирилган парвариш, обихотида бажарилган агротехник тадбирлар ҳосилнинг кечикмаслигини таъминлади. Холбуки, ба-

ҳордаги — уруғ қадашу ундириб олишгача бўлган фурсат ҳар йилгидан салкам бир ой орқага кетганди. Бунда фидойи деҳқону фермер, мутахассис механизатор, бир сўз билан айтганда барча қишлоқ меҳнаткашларининг тажрибаю омилкорлиги муҳим аҳамият касб этди.

Энг муҳими, йил иқлими мураккаб келган жорий йилда ҳосил кузнинг ёгин-сочинли кунларига қолдирилмасдан йиғиштириб олинди. Бу, энг аввало, пахта толасининг сифатини таъминлайди. Истикбол йилларида нафақат пахта ҳосилдорлиги кўтарилди, балки сифат жиҳатидан янги кўрсаткичларга эришилди.

(Давоми 2-саҳифада)

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари қатнашдилар. Мажлисини Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмухамедова олиб борди.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджетни лойиҳаси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Р.Азимов маъруза қилди. Ушбу масала бўйича Қонунчилик палатаси Бюджет ва Иқтисодий ислохотлар қўмитасининг раиси А.Аҳадов қўшимча маъруза билан сўзга чиқди.

Таъкидландики, мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати макроиқтисодий барқарорлиги ва ялпи ички маҳсулотнинг мустаҳкам равишда юқори суръатларда ўсишини таъминлашга, модернизация, диверсификация қилинган ва рақобатбардош иқтисодий шакллантиришга, аҳолининг фаровонлиги ва турмуш даражасини янада оширишга қаратилган. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов томонидан илгари сурилган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалда рўйбга чиқариш ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

Давлат бюджетини ишлаб чиқариш янада ривожлантиришга, банк ишларини такомиллаштиришга, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг роли ҳамда аҳамиятини ошириш, фермерлик хўжалиқларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хизматлар кўрсатиш соҳасини ва аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашнинг муҳим омилли сифатида касаначиликни рағбатлантиришга қаратилган узок муддатли, ўзаро ҳамбаркас боғлиқ чора-тадбирларнинг кенг комплексини рўйбга чиқариш назарда тутилган. Унда қишлоқда ишлаб чиқариш ва ижти-

мой инфратузилмани ривожлантиришга, шунингдек, қишлоқларда аҳоли турмуш сифатини тубдан яхшилашга ҳам катта эътибор қаратилган.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга ўта муҳим устуворликларига мувофиқ 2010 йилда Ўзбекистон Республикасининг солиқ сийёсати хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги молиявий юкни янада енгиллаштиришга, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, фуқароларнинг даромадларини кўпайтириш ҳамда харид қобилиятини оширишга, солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш ва такомиллаштиришга қаратилди.

Хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юкни енгиллаштиришнинг ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга солиқни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда фойда солиғининг базавий ставкасини камайтириш орқали амалга ошириш назарда тутилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш, янги иш жойлари ташкил этиш мақсадида микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловнинг мақбул базавий ставкаси белгиланмоқда. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар учун қатъий белгиланган солиқ миқдорларини биржилаштириш яқка тартибдаги тадбиркорларга солиқ солишини мақбуллаштириш борасидаги чора-тадбирлардан бири бўлади. Келгуси йилга мўлжалланган Давлат бюджетини ишлаб чиқариш бўйича амалдаги имтиёزلарни биржилаштириш ҳам тақлиф этилмоқда. Масалан, юридик шахсларнинг фойдасидан олинган базавий солиқ ставкасининг амалдаги 10 фоиздан 9 фоизга камайтирилиши ҳисоб-китобларга кўра 2010 йилда хўжалик юритувчи субъектлар тасаруфига 52 миллиард сўмдан зиёд маблағ қолдириш имкониятини бериб, бу маблағлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни тезлаштириш имкониятини беради.

(Давоми 2-саҳифада)

Фарғона вилояти

Минтақавий кўргазма

КЎРКАМ ҚИШЛОҚ ВА ФАРОВОН ҲАЁТ НАМОЙИШИ

Фарғона шаҳридаги Олимпия заҳиралари спорт коллежи бизнесида қишлоқ аҳолиси учун яқка тартибдаги уй-жойлар лойиҳалари ва қурилиш материалларининг иқтисодлаштирилган минтақавий кўргазмаси иш бошлади.

Унда Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари "Қишлоқ қурилиш банк" ошқ ақиядорлик тижорат банки, "Зақурилишматериаллари" ақиядорлик компанияси, "Қишлоққурилишматериаллари" компаниясининг филиаллари вақиллари, метьорчилик қурилиш, лойиҳалаш ташкилотлари, қишлоқ ва маҳаллалар йилнинг раислари қатнашмоқдалар. Анжуманда ўнлаб яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши лойиҳалари, ҳамма турдаги қурилиш материалларининг намуналари намойиш қилинапти.

(Давоми 2-саҳифада)



Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жағмараси ва "Меҳр нури" жағмараси томонидан таъмин этилган таълим, спорт грантлари, иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастурлари қоллибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тошкент вилоятидаги "Аранчи" аэродромда ракетамодел бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Сақсон нафар спортчи иштирок этган баҳсларда сирдарёлик И.Иброҳимов, наманганлик Н.Зайлиддинов, пойтахтлик А.Амиров ва К.Болахов ўз йўналиши бўйича қоллибликни қўлга киритган. Умумжамоа ҳисобида сирдарёлик ракетамоделчилар биринчи, Тошкент шаҳри спортчилари иккинчи, наманганликлар учинчи ўринни банд этди.

Гулистон шаҳридаги Болалар шаҳарчасида Сирдарё вилояти адлия бошқармаси ташаббуси билан "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолати" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

ОБУНА - 2010



АЗИЗ МУШТАРИЙЛАРИ!

"Qishloq hayoti" ва унинг иловаси "Hayot" газеталарига 2010 йил учун обуна давом этмоқда. Обуна газета таҳририяти ва обуна уюштирувчи ташкилотлар томонидан нақд пул тўлови ёки пул ўтказиш йўли билан ҳамда пластик карточка орқали амалга оширилади.

БИЗНИНГ НАШР ИНДЕКСЛАРИМИЗ: "Qishloq hayoti" ва "Hayot" биргалликда — 144 "Hayot" — 145

Ўғлим фермер бўлгач, "ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ" билан ошно бўлдик

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракати ривожлантирилиб, шахсан Юртбошимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалиги соҳасида равнақ топаётган бугунги тўқин-сочин ҳаётимиз омилларидан бири деб биламан. Биз яшайдиган Беруний туманидаги Шобоз овул фуқаролар йиғинида ҳам ўнлаб фермер хўжаликлари фаолият юритади. Ўзининг ўғлим ҳам илгор фермерларнинг бир вақили сифатида қайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқда.

Бундан бир неча йил муқаддам ўғлимнинг фермер бўлиш истагида эканини эшитиб жуда хурсанд бўлгандим. Чунки бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўшандаёқ анча кўзга ташланиб қолганди-да. Дарҳол унинг бу хоҳиш-иродасини қўллаб-қувватладим. Мана, бугунги кунда бошқа

минглаб фермерлар қатори эл-юрт тараққиёти, фаровончилиги йўлида тер тўқмоқда. Бундан ҳам бир меҳнат фахрийси, ҳам ота сифатида фахрланаман. Қолаверса, фермер ўғлимнинг муваффақиятлари тўғрисида баҳарилган агротехник тадбирлар ҳосилнинг кечикмаслигини таъминлади. Холбуки, ба-

тўғри тарбия топиши, билим олишни таъминлаш борасида имкониятларимиз кенгайилмоқда. Ўғлимнинг фермерлик қилиши натижасида силмиз ҳаётини яна бир яқини воқеа рўй берганики, мен бунини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу ҳам бўлса, ўғлим фермерлик қила бошлаган йилдан бошлаб хонадонимизга "Қишлоқ ҳаёти" газетаси ва унинг иловаси "Ҳаёт" ҳафтасида кириб келди. Ҳа, ўғлим ҳар йили бу газеталарга обуна бўлади. Оила аъзоларимнинг каттаю кичиги бу нашрларнинг ашаддий муҳлисига айланган, қўлма-қўл қилиб ўқишади, мақолаларни муҳокама қилишади.

Муштарий эътирофи

Бутун умр маориф, маданият соҳасида меҳнат қилганим боис юрт тараққиёти, миллат равнақида оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти ниҳоятда муҳимлигини яқини тушунаман. Шу маънода "Қишлоқ ҳаёти" ва "Ҳаёт" газеталари юртдошларимизнинг онги ва дунёқарашини бойитиш, фуқаролик масъулиятини ва ижтимоий фаолигини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган нашрлардан деб ҳисоблайман. Шу боисдан невараларимнинг бу газеталарни қизиқиш билан мурола қилаётганини кўрсам, қувониб кетаман.

Саъдулла ОЛЛОМОВ, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Qishloq hayoti
Қишлоқ ҳаёти

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Агроеконом комплекс таркибидеги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ерғодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсанот", "Ўзагроосуғурта", "Ўзвинсанот-холдинг", "Ўзбекенилсанот", "Ўзқишлоқхўжаликмушавлизи" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ер-мой ва озик-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагроомашсервис", "Ўзғўштусаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агроеконом ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ САМАРАСИ

(Боши 1-саҳифада)

Яқиндагина бўлиб ўтган V Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида хорижий харидорларга бир миллион тоннадан ортиқ пахта толаси етказиб бериш борасида шартномалар имзоланган. Ўзбек толасига жаҳоннинг харидорлиги ҳам айтиш шунингдек ва саноатбўлигидир. Жорий йил ҳосилининг ўз мuddатида йиғиштириб олингани мавсумнинг уюшқоқлик билан ташкил этилганга боғлиқ. Шу боис пахта хомашёси юқори навларга қабул қилинди. Бу борада Андижон, Сурхондарё, Тошкент, Наманган вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси пахтакорларининг азму шижоати таҳсин айтиш жоиз.

Бугун республикамиз пахтакорлари пешона тери эвазига яратган улкан хирмон мамлакат иқтисодиёти барқарорлиги, тараққиёт ва фаровонликка хизмат қилади. Бу Президентимиз, халқимиз кўзлаган эзгу мақсад билан ҳамроҳандир. Ана шу йилда фидокорона меҳнат қилган пахтакорларимизга қанча миннатдорлик билдирмас кам. Ва-тан равнақи йўлидаги азму шижоатингиз, меҳнатдаги шиддатингизга кўз тегмасин. Улкан хирмон уюб, қучган зафарингиз муборак, азиз пахтакорлар!

Анвар КУЛМУРОДОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.



Президентимизнинг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўлаган тобрийи кўнглимизни тоғдек юксалтирди. Чинда, меҳнат қилиш учун, юқори ҳосилдорликка эришиб, манфаатдорликни ошириш учун барча шароит яратиб берилаётган, доимо гамхўрлик ва эътиборда бўлсагу, эришган натижаларимиз ана эътироф этилса, деҳқон учун бундан ортиқ бахт бўлмас керак.

МУВАФФАҚИЯТНИНГ БОШ ОМИЛИ — ЭЪТИБОРДА

Амалдаги йил иклими пахтакорлар учун ноқулай келди. Синов йили бўлди. Шундай мураккаб шароитда эришган муваффақиятларнинг бош омили фермерлик ҳаракатида қаратилаётган эътиборда деб биламан. Шунингдек, фермерлар учун яратилган имконият ва имтиёзлар, тақомиллаштирилган хизмат кўрсатиш инфратузилмасининг аҳамияти мўҳимдир.

Баҳор ва ёз об-ҳавоси мураккаб келган бу йилда хизмат кўрсатувчи идора ва ташкилотларнинг ёрдами бе-ниҳоя катта бўлди. Экинга ишлов беришда фан ютуқлари ва тўплаган тажрибалар ҳам ўзини оқлади. Ҳуза-ларни суспензия усулида озикланти-риш ҳосилдорлик ошиши, барглари-ни сунъий тўқтиришга жиддий эътибор, ҳосилни ўз вақтида териш олишда қўл келди. 75 гектар пахта майдони ҳис-обидан 300 тоннадан зиёд юқори нав-

ли махсулот етиштириб, ҳосилдорлик-ни 40 центнердан оширдик. Вилоятда пахтачиликда эришилаёт-ган муваффақиятларнинг бир учи ту-проқ ва иқлим шароитимизга мос на-валарнинг яратилаётганлиги ва ер э-гари қайси наъни танлаш ихтиёри берилганига бориб тақалади.

Муваффақият йилларида ЎзПТИ Хоразм филиали ходимлари томони-дан гўзалнинг «Меҳнат», «Хоразм-127», «Хоразм-150», «Парвоз» каби навла-ри яратилиб, кенг майдонларга эки-лмоқда. Бу гўза навларининг юқори ҳосиллиги, касалликларга чидамли-лиги, муҳими жаҳон бозорига тола-мининг харидорлигини таъмин-лаётди.

Гулимнат ҲАЙИТМЕТОВ,
Гурлан туманидаги «Ҳайитнат ота» фермер хўжалиги раҳбари,
Ўзбекистон Қаҳрамони.



РАВАЛПИНДИ ЯНА НОТИНЧ

Куни кеча Покистондаги йирик шаҳарлардан бири Равалпиндида террористик хуруж рўй берди. Покистон Бош қўмондонлиги яқинида жойлашган миллий банк ва PC Hotel бинолари яқинида мотоцикл бошқариб келаётган террор-чи-ҳудкуш ўзини портлатиб юборди.

Воқеа оқибатида 34 киши ҳалок бўлган. Террористик ху-руж тақриблик эҳтимоли мавжуд бўлганлиги боис ша-ҳардаги таълим муассасалари фаолияти вақтинчалик тўхтати-ди. Авомлар лигаси партияси-нинг раиси Шайх Рашид Аҳмад-нинг таъкидлашича, Жанубий Вазиристонда террорчи кўп-рувчиларга қарши олиб борилган ҳарбий амалиётларга жа-вобан бу каби кўпуровчилик ҳаракатлари янада авж олади. Мамлакат ҳукумати ва «Толибон» жангарилари ўртасидаги келишувлар ҳеч қандай натижа бермаётди. Аксинча, толи-бонлар келишувларда белгиланган вақтдан ўз фаолиятини тўхтатиш эмас, балки террористик хуружларни режалашти-риш ва тайёргарлик қўришда «унумли» фойдаланмоқда.

Октябрь ойи бошида ҳам айнан Равалпиндида тўққиз нафар жангари ҳарбий штабга бостириб кириб, ўйнаб ки-шилари 20 соат давомида гаровда ушлаб турганди. Ушан-да террорчиларга қарши амалга оширилган ҳарбий амали-ёт давомида гаровдагиларнинг 16 нафари ҳалок бўлган-ди. Бундан ташқари, БМТ ташкилоти мамлакатнинг шимо-ли-ғарбда инсонпарварлик ёрдами тарқатишни тўхта-тишга қарор қилди. Бу қарор Исламободдаги Бутунжаҳон озик-овқат таъминоти дастури штаби портлатилиши на-тижасида ташкилотнинг 11 нафар кўнгилли ходими ҳалок бўлгани оқибатида.

Покистон ҳукумати толибонлар раҳнамоси Ҳакимудла Мақсудни ушлаш учун 50 миллион рупия (600000 АҚШ дол-лари) микдорда мукофот эълон қилган.

ШИМОЛИЙ КОРЕЯ МУЗОКАРАЛАРГА ШАЙ

Душанба куни Шимолий Корей раислари атом қуроли ишлаб чиқариш дастурини тўхта-тиш ва қуrolсизланиш борасида АҚШ билан ҳеч қандай воситачиларсиз тўғридан-тўғри музокаралар бошлашга тайёргилини билдирди.

ҚХДР ташқи ишлар вазири-лиги вакили ахборот агентли-клари берган интервюсида «Биз АҚШ билан ҳар томонла-ма музокаралар юритишга ҳозир эканимизни оқи-бидин маълум қиламиз. Энди қарор қилиш навбати АҚШдан», дея таъкидлаган. Утган ойда Шимо-лий Корей раҳбари Ким Чен Ир миллий ядровий дастур билан боғлиқ муаммоларни музокара ва келишувлар восит-асида ҳал этиш мумкин, дея фикр билдирган эди.

АБДУЛЛА АБДУЛЛА ЭНДИ НОМЗОД ЭМАС

Афғонистонда мамлакат президентлигига сай-ловнинг иккинчи босқичи ўтказилмайдиган бўлди. Бунга сабаб президентликка номзодлар-дан бири Абдулла Абдуллонинг ўз номзодини қайтариб олишидир.

Сайловда қолган ягона номзод амалдаги президент Ҳамид Карзай бўлиб, унинг номзоди биринчи босқичдаёқ энг кўп овоз олган эди. Ле-кин сайловни кузатиб борувчи комиссия томо-нидан овозларни ҳисоб-лашда чалқашликка йўл қўйилгани тани олинган, сайловнинг кейинги босқичга тайёргарлик ишлари бошланган эди.

Абдулла Абдулла бундай қарорга сайлов комиссияси иш тартибига ўзгартириш киритиш ҳақидаги талаблари ино-батга олинганини туйғали келганини таъкидлади. Унинг фикрича, мамлакатда сайловнинг одил ўтиши учун шарт-шароит етарли эмас.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

31 октябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг матбу-от марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раисларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Семинар-кенгашда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Ўзе-бекистон Республикаси Олий Мажли-си Қонунчилик палатасига депутат-лар сайловини ўтказувчи округ сай-лов комиссиялари раислари, Қора-қалпоғистон Республикаси Марка-зий сайлов комиссиясининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сай-лов комиссиялари раислари ва ом-мавий ахборот воситалари ходим-лари иштирок этди.

Тадбир округ сайлов комиссия-лари раисларининг миллий сайлов қўнунчилиги ва амалиёт бўраси-даги билимининг янада ошириш, шунингдек, округ сайлов комисси-яларининг сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш билан бо-ғлиқ ишларни тўғри ташкил этиш, сайлов комиссияларини молия-лаштириш тартибига қатъий амал қилиш, уларнинг олдига турган долзарб вазифаларни белгила-

олиш мақсадида ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Мар-казий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов семинар-кенгаши очар экан, мамлакатимиз парла-ментига ва маҳаллий давлат хоки-миятининг вакиллик органларига сайлов миллий сайлов қўнунчили-гимиз, унда белгиланган очиклик, ошқоралик ва ҳолислик тамойил-лариغا, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва ша-ҳар Кенгашлари сайловга тайёргар-лик қўриш ва уни ўтказиш бўйи-ча концепцияга қатъий амал қилин-ган ҳолда ташкил этилиши ва ўт-казилишини таъкидлади.

Тадбир иштирокчиларига ўтган давр мобайнида мазкур Концепция асосида амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Семинар-кенгашда Олий Маж-лис Қонунчилик палатаси ва ма-

ҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов ўтказувчи сай-лов комиссияларининг асосий ва-зифаси сайловни демократик та-моийиллар, амалдаги қўнунчилик нормалари ва талаблари асосида адолатли, очик ва ошқора ўткази-лишини таъминлашдан иборат экани алоҳида қайд этилди. Таъ-кидландики, улар ўз фаолиятида сайлов кампаниясининг барча иш-тирокчилари томонидан миллий қўнунчилик талабларига қатъий амал қилиниши, барча бўғиндаги сайлов комиссияларининг муста-қиллиги ва қўнун асосида фаоли-ят юритишини таъминлаш билан боғлиқ муҳим масалаларга доимий эътибор қаратишлари лозим.

Семинар-кенгаш иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи 126-Темирйўлчилик сайлов округ-ида бўлиб, округ сайлов комисси-яси раиси А.Тўшбоев (Андижон ви-лояти). — Бўлажак сайловни қўнун талаблари асосида очик, ошқора ва адолатли ташкил этишда округ сайлов комиссиялари зиммасига катта масъулият оқланган. Ушбу семинар-кенгаш сайловни юқори демократик савияда ўтказиш, округ сайлов комиссиялари фаоли-ятини тўғри ташкил этишда муҳим аҳамият касб этди.

Анжуманда «Сайлов комисси-яларининг давлат ҳокимияти ваки-ллик органлари сайловини ташкил этиш ва уни ўтказиш билан бо-

зарур техника воситалари, жумла-дан, Интернетга уланган компю-терлар, телефон, факс, нуска қўчи-риш аппаратларига эга. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Консти-туцияси, сайлов тўғрисидаги қўнунлар тўпламлари, бошқа ҳуқуқий адабиётлар мавжуд. Стендларда сайлов округи ҳудуди-да жойлашган сайлов участкалари ҳақидаги маълумотлар акс этган.

— Бўлажак сайлов ҳамиятини янада демократлаштириш йўлида-ги яна бир муҳим қадам бўлади, — дейди семинар қатнашчиси, 12-Шаҳриқон округ сайлов комисси-яси раиси А.Тўшбоев (Андижон ви-лояти). — Бўлажак сайловни қўнун талаблари асосида очик, ошқора ва адолатли ташкил этишда округ сайлов комиссиялари зиммасига катта масъулият оқланган. Ушбу семинар-кенгаш сайловни юқори демократик савияда ўтказиш, округ сайлов комиссиялари фаоли-ятини тўғри ташкил этишда муҳим аҳамият касб этди.

Анжуманда «Сайлов комисси-яларининг давлат ҳокимияти ваки-ллик органлари сайловини ташкил этиш ва уни ўтказиш билан бо-

лик долзарб вазифалари», «Сай-лов: миллий қўнунчилик, халқаро стандартлар ва хорижий тажриба», «Ҳамиятни янгилаш ва демократ-лаштириш шароитида сайлов қўнунчилигининг тақомиллашуви», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ ва участка сайлов комисси-ялари ишини ташкил этиш», «Сай-ловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишда очиклик ва ошқоралик тамойиллари» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Баҳс-мунозаралар жараёнида округ сайлов комиссиялари, Қора-қалпоғистон Республикаси Марка-зий сайлов комиссияси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комис-сиялари раислари ўзларини қизиқтирган барча масалалар, жумладан, округ сайлов комисси-ялари фаолиятининг ташкилий жи-ҳатлари, участка сайлов комисси-яларини ташкил этиш ва улар фа-олиятини мувофиқлаштириш, сай-ловда ташвиқоти жараёнида тенглик тамойилларига амал қилиш, округ ва участка сайлов ко-миссиялари фаолиятини молия-лаштириш тартиби, сайлов участ-каларини жиҳозлаш, сайловга тай-ёргарлик қўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларни юри-тиш қоидалари ҳақидаги барча са-волларга батафсил жавоб олдлар.

Олим ТўРАҚУЛОВ,
ЎЗА мухбири

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Боши 1-саҳифада) Ҳужжатнинг савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган батафсил мураккаб чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сузга чиқдилар. Депутатлар таъкидлашлари, келгуси йилга мўлжалланган Давлат бюджетига сифат жиҳатидан халқаро стандартлар-га жавоб берадиган, ички ва ташқи бозорда харидор-ғи бўлган, рақобатбардор махсулот ишлаб чиқариш-га қаратилган ишлаб чиқаришнинг энг муҳим тармоқ-ларини модернизация қилишни, тежис ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни жадаллаштириш орқали тарихий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсифи-кация қилишни давом эттириш назарда тутилган.

Мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжатининг ха-ражатлар қисмида иқтисодий соҳа ва аҳолини иж-тисодий ҳимоя қилиш харажатларини 2010 йилда 2009 йилдаги 55,6 фоиздан 59,1 фоизга ошириш на-зарда тутилмоқда, бу янги ички махсулотга нисбатан 13,5 фоизни ташкил этади. Унда солиқни сақлаш, таълим тизимини, аҳолининг ҳам таъминланган қат-ламларини иқтисодий ҳимоя қилишни молиялашти-риш ҳамда кўпайтириш, иш ҳақи, пенсиялар, сти-пендиялар ва нафақаларни ошириш назарда тутил-ган. Халқ турмушини яхшилаш мақсадида келгуси йил-да солиқ солишининг биринчи шкаласи бўйича жи-смоний шахслардан ундириладиган даромад соли-гининг ставкаси 12 фоиздан 11 фоизга камайтири-лади. Бунда солиқ солинадиган даромаднинг олий ўқу-юртларида таълим олиш учун тўланадиган, шунинг-дек, фуқароларнинг Халқ бандидаги шахсий жама-рий бориладиган пенсия жиҳозбарақарига ихтиёрий равишда ўтказиладиган маблағлар суммасига камей-тириш тартибига қўшимча имтиёзлар жорий этиш назарда тутилмоқда. Ушбу имтиёزلарнинг қўлланили-ши эвазига жисмоний шахсларнинг даромадлари соли-надагидан солиқ юки камайиб, 2010 йилда қарийб 102 миллиард сўм мамлакатнинг иш билан банд аҳоли-си тасарруфига қолади.

Мамлакатимизнинг келгуси йилги Давлат бюд-жетига янги умумий таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари қуриш, ўсиб келаётган влодни моддий жиҳатдан қўллаб-қув-ватлаш назарда тутилган. Хусусан, ёш спортчилар тайёрлашга катта аҳамият берилган ҳолда, олим-пия захиралари коллежларида ўқибатган кам таъ-минланган оилаларга мансуб ўқувчиларни 2010 йил сентябидан эътиборан бепул оқватлантиришни жорий этиш таъкид қилинмоқда.

Шундай қилиб, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, шунингдек, 2010 йилга мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳаси Ўзбеки-стон Республикаси Президенти Ислам Каримов то-монидан илгари сурилган республикани ижти-моий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, жамия-ят ҳаётининг барча соҳаларидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга оид стратегик дастурнинг, аҳоли фаровонлигини энчил ошириш боришининг ус-тувор йўналишларига тўлиқ мос келади.

Муҳокама давомида баён этилган тақлифларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар Ўзбекистон Рес-публикасининг 2010 йилги Давлат бюджетини тас-диқлаб, тегишли қарор қабул қилдилар.



(Боши 1-саҳифада) — Бу кўрғазма келажак учун йўланма, — дейди Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги «Зарбдор» фуқаролар йиғи-ни раиси Фазлиддин Дадабо-ев. — Халқимиз ўзининг эркин, манфаатдорлик туйғуси билан қилган меҳнати эвазига йил сай-йин яхши даромад эгаси бўляпти. Тақдим этилаётган уй-жойлар лойиҳалари ана шу юксалиш ва фаровон ҳаётимизга кудма мос келади.

Мамлакатимизда галла етиштириш технологияси тобора тақомиллашиб, деҳқончилик маданияти ошиб бормоқ-да. Бугундйнинг юртимиз туپроқ-иклим шароитига мослаш-ган серҳосил, янги, маҳаллий навлари яратилмоқда, етишти-рилаётган доннинг сифати тобора ошмоқда. Ёноборин, турмуш даражаси йил сайин шубҳа бораётган ҳалқимиз учун сифатли дон махсулотлари етказиб бериш муҳим вазифа-лардан бири.

Ҳалла, хусусан, кузги буг-дой донининг сифат кўрсат-кичларини яхшилашнинг гоят катта аҳамиятини қўйидаги мисолда кўриш мумкин. Му-тахассисларнинг ҳисоблашлар-ича, бугдой донидаги оксил микдорини фақат 1 фоизга оширилиши қўшимча 600 миқ-тонна ўсимлик оксидли етиштиришни таъминлайди. Бу — салкам 16 миллион аҳолининг бир йил мобайни-даги оксигал бўлган талаби-ни қондириш билан баробар де-гани. Агар дунё бўйича 208,8 миллион, шу жумладан, Ўзбекистонда 1,3 миллион гектар ерда бугдой етиштири-лишини назарда тутиб, юқоридаги дон сифати эъти-борга олинса, унинг оламшум-ул аҳамиятини англаш мум-кин бўлади.

Ҳалла сифатини ошириш-да селекция йўли билан янги навлар яратиш бораба-

КЎРҚАЗМА ҚИШЛОҚ ВА ФАРОВОН ҲАЁТ НАМОЙИШИ

Меъморчилик ва қурилиш-лоийха институти Наманган вило-ят филиалининг бош меъмори Жўраҳон Тошпўлатовни бир гуруҳ қишлоқ, маҳаллар йиғинлари раислари қуришда учратди. Лойиҳачилар 6 сохидан иборат 2 каватли, 5 хонали уйлар бино-си қурилиши билан таништираёт-ган эканлар. Бош меъморнинг ай-тишича, ҳозир вилоятнинг Косон-сой, Учқўрғон ва Поп туманлари-даги 3 та қишлоқда жами 60 та оилага мўлжалланган мана шун-дай уй-жойлар қурилиши бошлаб юборилган. Бу соҳадаги ишлар-га «Қишлоқ қурилиш банк» тегиш-ли кредитлар ажратган. Қишлоқ қурилиш инжиниринг компанияси асосий буртмачи бўлиб келаёт-гани ҳам миқозлар учун яна бир катта қулайликдир.

«Қишлоқ қурилиш банк»нинг Фарғона вилояти минтақавий фи-лиали бошқарувчиси Фарҳоджон

Деҳқоннинг таъкидлашича, Фарғона, Ўзбекистон туманлари-да 20 тадан ортиқ намунавий лойиҳа асосида турар-жой бино-лари барпо этишга киришилган. Банк томонидан миқозларга 15 йилга кредит ажратилади, шунингдек, улар олти ойлик им-тиёздан ҳам фойдаланадилар.

Кўрғазмада қурувчи ва лойи-ҳачилар, банк мутасаддилари ва аҳоли истикомат жойлари раҳ-барлари ўртасида қизгин баҳс ва мунозаралар, ҳардоқ тажриба ал-машинувлар бўлиб ўтди. Энг му-ҳими — қўллаб анидан уй-жой қурувчи ва бир қатор қурилиш ҳамда пудратта ташкилотлар ва-киллари қурилиш материаллар ишлаб чиқарувчилар билан ўзаро тегишли шартномалар тузилди.

Минтақавий кўрғазма давом этмоқда. Музаффар МАМАТҚУЛОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

СИФАТЛИ ДОН ЕТИШТИРИШ — ҲАР ЖИҲАТДАН МАНФААТЛИ

Унмудор туپроқ ва юқори са-вияда парваришланган, сув, озика ҳамда бошқа омиллар билан таъминланган кузги буг-дой ўсимлиги сифатли дон ҳосили етиштиришни таъмин-лайди.

Мамлакатимизда Мустақил-ликнинг дастлабки йилларида-ноқ дон махсулотларини давлат буртмаси бўйича етиштириш амалга оширила бошланди. Тайёрлов ташкилотларининг моддий-техника базаси ҳам мустаҳкамланди. Қабул қилиш қорхоналари донни тез ва соз тозаловчи замонавий асбо-буқна ҳамда техника восита-лари билан таъминланди.

Шунингдек, дон махсулоти етиштиришни қўлайтириш, са-мардорликни ошириш максаси-да дон сифатига қараб таба-қалаштириш сотиб олиш баҳо-лари белгиланди. Бунда, аввал-ло, доннинг ноноблик ва тек-нологик хусусиятларини белги-

ловчи клейковина микдори ҳамда сифатига эътибор бери-ладиган бўлди. Фермерлар то-монидан етиштирилиб, давлат буртмаси бўйича қабул қили-наётган доннинг намлиги, бего-на ўт уруғлари ва бошқа ара-лашмалар андозадан юқори бўлмаслигига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Энг муҳими, дон махсулоти-га давлат томонидан қўйилаёт-ган талабни ҳар бир фермер хўжалиги раҳбари билиши, чу-зичу англаши керак, чунки со-зтавтан донни қанча сифатли бўлса, унинг ўзи шунча кўп да-ромад қўради. Зотан, сифатли дон етиштирилиши кўп жиҳат-

дан ўсимлик нечоғли юқори са-виядаги агротабдиллар асоси-да парваришланишига, бунда фан ингиликлари, илмий тавси-қаларни қўлланилишига боғлиқ. Энг аввало, бугдой етиштири-ладиган майдоннинг туپроқ унумдорлиги юқори, унда си-

фат кўрсаткичлари шакллани-ши лозим. Шу ўринда бир мисолга эътибор қаратас: ЎзПТИ Ан-дижон филиалида ўтказилган тажрибада 12 йил давомида бугдой қаторасига етиштирил-ган даладан олинган ҳосил тар-кибида 17,3 фойиз клейковина аниқланиб, аранг 4 синфга тўғри келган. Айни шу шаро-итда кузги бугдой соя ва беда билан алмашлаб экиладиган эса клейковина микдори 32,7 фо-изни ташкил этган ёки доннинг сифати 1 синфга тўғри келган. Бундан келиб чиқадикки, кузги бугдой алмашлаб экиш даласи-да дуққали экинлардан кейин

жойлаштирилса, дон сифати кескин ошар экан. Бундан ташқари, илмий ада-биётларда ва амалиётда кузги бугдойни ҳайдалган ёрға экиш, маъданли ўғитлар билан тўла таъминлаш, вақтида суғориш, бегона ўтлар, хашаротлар, ка-салликлардан самарали ҳимоя қилишнинг дон сифатига ижо-бий таъсири алоҳида таъкид-ланган. Шунинг учун даромад ортсин, доннинг сифатли бўлиши, деган фермер бугдойнинг агро-техник табдилларига алоҳида эътибор бериши керак. Дон етиштириш билан шугулланув-чи баъзи фермерлар донни баҳолаш сифат кўрсаткичлари-ни яхши билишмайди. Шу боис дон сифатини дастлабки баҳолашнинг аҳамиятини ҳисобга олиб, ишлаб чиқарув-чилар ҳамда қабул қилувчилар-нинг ўқувини ташкил этиш, ма-лакасини ошириш талаб этила-ди, фермерлар дон қабул қилиш бўйича давлат андозалари, галла сифатини аниқлаш ус-уллари бўйича мукамал билим-га эга бўлишлари мақсад-га мувофиқдир.

Зиёвуддин МУКИМОВ,
ТошДАУ катта ўқитувчиси,
Ирода ТОЖИБЕКОВА,
ТошДАУ ассистенти.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда Юртбошимизнинг бевосита ташаббуслари билан жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган аждодларимизнинг бой маданий, тарихий меросини сақлашга ва тиклашга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бугун улар сайёҳларни ўзига оҳанрабодек жалб этмоқда. Ўзбекистонда туризмни, хусусан унинг янги тури — агротуризмни ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилмоқда. Университетимиз "Ўзбектуризм" миллий компанияси ҳамда Тошкентдаги бир қанча меҳмонхона ва ресторонолар билан ҳамкорликда ҳар йили ўтказиладиган "Энг яхши хизмат кўрсатиш" танловида фаол қатнашиб келмоқда. Бу талабаларнинг ўз касбларига бўлган қизиқишини янада оширади. 2009 йили ўтказилган танловда факультетимиз талабалари Гулноза Усмонова, Нозматилла Дониёров, Бекзод Қадҳоров, Азиза Аролова, Гавҳар Исмоилова диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. 2009 йил 21-22 октябрь кунлари ўтказилган XV халқаро туризм ариарқасида университетимиз "Энг яхши олий ўқув юрти" номинацияси бўйича голиб деб топилди.

миллийлик уйғуллашади. Сўрилар, болишлар, кўрпачалар манзур бўлади. Сайёҳлар учун хизмат кўрсатишда фирма услубидан фойдаланиш кўл келади. Қизилқум бўйлаб туяда сайр эттириш, сайёҳларни туя ёки отга миндириб, суратга олиш ва бошқалар шундай услублар сирасига кириди. Йўл давомида фаол дам олишга катта эътибор берилган йўналишлар ҳам туристик хизматларнинг фирма услубини мустақамлайтиди. Туризмнинг фирма услуби янгиликларидан яна бири — миллий таом тайёрлаш жараёнида иштирок этишидир. Бунда ўзбекча палов, лағмон, мастава, қабоб, сомса тайёрлаш усуллари ҳам кўрсатилиб, ҳам оғзаки тушунтирилган.

АГРОТУРИЗМ — САЙЁҲЛИКНИНГ ЯНГИ ЙўНАЛИШИ

Жаҳон туристик оқимининг тараққий этган мамлакатлардан ривожланаётган мамлакатлар томон усийи келгусида сайёҳликнинг янги-янги турларини юзага келишига сабаб бўлмоқда. Биологик хилма-хилликка эга бўлган мамлакатларда — экологик туризм, ўзига хос рельеф ва гидрографик шароитга эга мамлакатларда — экстремал туризм, қишлоқ ҳўжалиги тарихини боий аънаналарга эга давлатларда агротуризм ривожланмоқда. Ўзбекистонда агротуризмни ташкил этиш ва ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд. Агротуризм деганда сайёҳларни қишлоқ ҳавти билан яқиндан таништириш тушунилади.

марказларга нисбатан анча арзон. Қимматбаҳо туристик марказларда дам олишга ҳамиша ҳам имконият бўлавермайди. Шу жиҳатдан агротуризмни ривожлантиришга катта аҳамиятга эга. Бундай туризмни қўйидаги ҳолатларда амалга ошириш мақсадаги мувофиқ:

Ўзбекистон катта имкониятлар мамлақати

қишлоқ иқлим шароитларида соғломлаштириш олиб бориладиган пайтларда;
* табиат билан яқинлик, кўпроқ вақтни тоза ҳавода ўтказиш мақсадида;
* экологик тоза ва арзон маҳсулотлар билан озиқланиш мумкин;
* маҳаллий аҳоли билан мулоқотда бўлиш, урф-одатлар билан танишиш, байрамлар ва ўйинларда қатнашиш имкониятининг мавжудлиги.

Туристик ташкилотлар диққат-эътиборидан четда қолаётган мейморчилик обидалари, ўзбекона оддий турар-жойлар, масжидлар, чойхоналар агротуризмни ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ўлкаимизда саккиз ой мобайнида қўйш чарақлаб туради ва одамлар табиатнинг саховатидан баҳраманд бўлишлари мумкин. Дам олиш мақсадида бунёд этилган шийпонлар, айвонлар, қўламазорлар, ариқ ва ҳовузалар агротуризмнинг оммавийлашувиغا хизмат қилади. Шуниси аниқки, чет эллик сайёҳларга замонавий бинолардан кўра кўпроқ миллий услубда қурилган меҳмонхоналар ёқди ва биз шуну тақлиф этишимиз керак. Чунки улар европа услубидаги уйларда истикомат қилишда, биз назарда тутган меҳмонхоналарда

тайёр бўлган таомни татиб кўриш тақлиф этилади. Таомни юксак маҳорат билан пишириш, пазандчилик аънаналари сайёҳларни фақат тарихий қадриятлар билан таништириш манбаи бўлиб қолмай, балки катта фойда келтирувчи тадбир ҳамдир. Шу таомларни тайёрлаш тўғрисидаги бежирим китобчаларни сотиш, қозон атрафида суратга олиш, дастурхон теваарида ўзбек меҳмондўстлиги аънаналарининг бевосита иштирокчиси бўлиш ҳам катта қизиқиш уйғотади.

Далада қовун, тарвуз пишиғида уоштириладиган сайёҳат ҳам анча қизиқарли ҳисобланади. Бизда полиз экинлари нисбатан арзонлиги ва тўқин-сочинлиги билан ажралаб туради. Мазази эса унинг табиий қўйш нурида етишганини исботлайди. Қишлоқ шароитининг яна бир ўзига хос хусусияти ноз-неъматлар, чунончи, сўт маҳсулотлари тайёрлаш жараёнини кузатиш ҳам қизиқарлидир. Сайёҳлар олдида сигирдан сўт соғиб, пишириб, уларга тақлиф қилсангиз, табиийлик янада ошади. Туризмнинг бу турини ривожлантириш қишлоқ аҳолиси, авваламбор, ёшларни иш билан таъминлашга хизмат қилади. Навоий вилояти Нурота туманидаги Саид Раубаев раҳбарлик қилаётган "Yasmina-tour" туристик фирмаси агротуризмни ўзининг сайёҳлик йўналишларига киритиш режасини ишлаб чиққан. Бундай сайёҳ-харакатлар келажақда Ўзбекистонда агротуризмни ривожлантиришга катта йўл очиб беради.

Ҳабиб ХАЛИЛОВ,
Тошкент Давлат Иқтисодий
университети "Халқаро туризм"
факультети магистранти.

Қорақалпоғистон Республикаси

Нукус шаҳрида молиявий ва солиқ ҳисоботларининг таҳлили, солиқ мажбуриятини бажариш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

СОЛИҚДА ҲАМ САВОДҲОНЛИК ЗАРУР

Аноқуман Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, БМТнинг "Ўзбекистонда давлат молия ислоҳоти" лойиҳаси ва республика Давлат солиқ қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Семинарда таъкидланганидек, 2008 йилнинг бошида қабул қилинган Солиқ кодекси қонунчиликнинг қўллаб масалаларини ойдинлаштирди. Семинарни ўтказишдан мақсад солиқ маъмуричилигидаги янги ёндашувларни қўллаш, камерал назорат низомини жорий этишда ҳамда молия ва солиқ ҳисоботларини таҳлил қилиш бўйича солиқ инспекторларининг малакасини оширишдир. Олинган билим ва кўникмалардан фойдаланиб, солиқ ходимлари назорат самардорлигини оширишга, солиқларнинг ҳисобланиши ва тўланиши бўйича солиқ тўловчиларга кўмаклашади. Давуд АБИБУЛЛАЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Фарғона Вилояти



Утрянью чекуюю жижку, выданный Утрянью филиалом Национального банка на имя ЧП Усмонова Азизхона Мухтаровича, считать недействительным.
ООО "НАМЎНАТЛИК-РИЗОВАРАКА" (ИНН 300999988), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията "Чиланзарского р-на г.Ташкента, расположенное по адресу: г.Ташкент м-н Чиланзар 20 кв-л д.13 квартира 86, ликвидируется (протокол собрания № 2 от 30 октября 2009г.); Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 216-75-18.
Тошкент вил. Зангиота т.даги "BEEF INGREDIENTS" (ИНН 20692408) МФК тугатилади. Давлат бир ой ичда қабул қилинади. Тел.: 744-38-26.

СўХ КАРТОШКАСИ

Сўх тумани Тул қишлоғидаги "Озод" ширкат ҳўжалиги ижарачилари картошка ҳосилини йиштириб олмақда. Ҳўжаликда 1140 нафар ижарачи 376 гектар майдонда богдорчилик ва декончилик қилади. Мухаммадамин Хайдаров 75 сотих майдонда оиласи билан картошка етиштиради. У хар гектар ердан 50 тоннадан ҳосил олди. СУРАТДА: оилавий ижарачилар бу йилга ҳосилдан мамнун. Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

ТАШКИЛОТ СОТАДИ Volkswagen PASSAT

2009 йил ишлаб чиқариш



Тўлов шакли - пул ўтказиш йўли билан
Тел.: (+99871) 140-00-62, (+99890) 317-67-97

"AGTECH AGRI"

шўъба корхонаси фермерларга "Джон Дир" техникаларини тақлиф этади. Тошкентдаги омборхонадан галла ва шולי ўриш комбайнлари ҳамда ер ҳайдов тракторлари сотилади.



Кафолат муддати 1 йил ҳамда сервис хизмати кўрсатилади. Ўзбекистон валютаси — сўмда ҳисоб-китоб қилинади. Мухсулотлар сертификатланган. Телефонлар (+99871) 244-69-79; 241-02-29 (+99897) 746-10-56 сот. E-mail: s.sadykov@agtech.uz Манзили: Тошкент ш. Навоий кўчаси 3/75.

SUVMASH OAJ SOTADI:

Т/р	Номланиши	Ишлаб чиқарилган йил	Бозор нархи (сўм)
1	"ГАЗ-52" автомашинаси (техник носоз)	1982	2 830 530
2	"ГАЗ-53А" автобуси (техник носоз)	1983	2 810 677
3	"ГАЗ-31029" автомашинаси (техник носоз)	1993	2 545 229
4	"ГКБ-8352" авто-ярим-трактора (техник носоз)	1986	2 298 856
5	"К-701" трактори (техник соз)	1992	28 777 590



Ўзбекистон Республикаси, 100182, Тошкент ш., Бектемир тумани Х.Бойқаро кўчаси 13

Тел.: (99871) 295-13-00. Факс: (99871) 295-06-37; E-mail: office@suv mash.uz



ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«АСАКА» банки (ОАЖ)

қўйидаги янги муддатли омонат турларини тақлиф этади:



Миллий валютадаги омонатлар

«ЭИЁЛИ»

Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 30 дан 34 % гача ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар ўқиш тўловлари учун йўналтирилади (институт, университет)

«МАНФААТЛИ»

Сақланиш муддати — 3 ой, омонат бўйича йиллик 30 % ҳисобланади.

«ИШОНЧЛИ»

Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 27 % ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар омонат очилган куни берилади.

«СТУДЕНТЛАР УЧУН»

Сақланиш муддати — 4 йилгача, омонат бўйича йиллик 32 дан 38 % гача ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар ўқиш тўловлари учун йўналтирилади (институт, университет)

«САМАРАЛИ»

Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 32 % ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар коммунал ва бошқа тўловлар учун йўналтирилади.

Хорижий валютадаги омонатлар

«ОПТИМА»

АҚШ долларида Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 12 % ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар омонат очилган куни берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

1.	Тошкент шаҳри филиали	(371)	120-83-13
2.	«Автотранспорт» филиали	(371)	120-39-95
3.	Шайхонтохур филиали	(371)	140-39-36
4.	Юнусобод филиали	(371)	225-16-46
5.	Сирғали филиали	(371)	258-67-49
6.	Тошкент вилояти филиали	(371)	120-84-13
7.	Андижон вилояти филиали	(374)	224-40-96
8.	Асака филиали	(374)	233-13-69
9.	«Фарход» филиали	(374)	229-97-53
10.	Фарғона вилояти филиали	(373)	224-70-83
11.	Марғилон филиали	(373)	237-12-37
12.	Олтиарик филиали	(373)	432-10-11
13.	Кўкон филиали	(373)	552-61-04
14.	Наманган вилояти филиали	(369)	226-94-75
15.	Навоий вилояти филиали	(436)	223-54-32
16.	Зарафшон филиали	(436)	573-18-78
17.	Бухоро вилояти филиали	(365)	223-71-94
18.	Бухоро шаҳри филиали	(365)	770-11-27
19.	Самарқанд вилояти филиали	(366)	231-08-86
20.	«Афросиёб» филиали	(366)	234-17-96
21.	Қашқадарё вилояти филиали	(375)	221-12-93
22.	Сурхондарё вилояти филиали	(376)	770-82-12
23.	Қорақалпоғистон филиали	(361)	223-72-47
24.	Хоразм вилояти филиали	(362)	226-97-78
25.	Сирдарё вилояти филиали	(367)	225-44-03
26.	Жиззах вилояти филиали	(372)	226-43-11

Хизматлар лицензияланган.

БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРИНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

